

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ПУЛОТОВ ФАХРИДИН САЙФИДИНОВИЧ

**ҚОРАМОЛЛАРНИНГ БОВИКОЛЁЗИ
(Bovicolaris, эпизоотологияси, терапия)**

03.00.06 – Зоология

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

УЎК.:619.576.895.75.614.449.57

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Пулотов Фахридин Сайфидинович

Қорамолларнинг бовиколёзи (Bovicolosis, эпизоотологияси, терапия) 3

Пулотов Фахридин Сайфидинович

Бовиколёз крупного рогатого скота (Bovicolosis, эпизоотология, терапия) 21

Pulotov Fakhrudin Sayfidinovich

Bovicolosis of cattle (Bovicolosis, epizootologiya, terapiya) 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ПУЛОТОВ ФАХРИДИН САЙФИДИНОВИЧ

ҚОРАМОЛЛАРНИНГ БОВИКОЛЁЗИ
(Bovicolaris, эпизоотологияси, терапия)

03.00.06 – Зоология

ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2020

Ветеринария фаълари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.PhD/V12 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samvmi.uz) ҳамда «ZiyoNet.uz» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Рўзимуродов Ахрор Рўзимуродович
ветеринария фаълари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Даминов Асадулло Сувонович
ветеринария фаълари доктори, профессор
Ғафуров Ақтам Ғафурович
ветеринария фаълари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси


Диссертация химояси Самарканд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «12» 12 соат «10⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарканд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz)


Диссертация билан Самарканд ветеринария медицинаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14278 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарканд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел.: (99866) 234-76-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «27» 11 кун таркатилди.
(2020 йил «27» 11 даги № 05 - рақамли реестр баённомаси)




Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, вет.ф.д., профессор


Ш.Х.Курбанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, вет.ф.н., доцент


Қ.Н.Норбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, вет.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда Республикамизда чорвачиликни ривожлантириш, чорва молларининг махсулдорлигини ошириш ҳамда аҳолини сифатли ва экологик тоза чорва махсулотларига бўлган талабини қондириш долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Мустақиллик йилларида дезинсекцион моддаларнинг етишмовчилиги, чорвачиликка бўлган эътиборнинг ва маданиятнинг сусайиши оқибатида зообиоценозларда илгари кузатилмаган ёхуд паразит тур сифатида аҳамиятини йўқотган «қашшоқлик» белгиси ҳисобланувчи бовиколалар ва улар чақирадиган қорамолларни энтомоз, яъни бовиколёзининг кескин кўпайиб бориши, чорвачиликни ривожлантиришда жиддий тўсқинлик қилиб келмоқда. Бовиколёз билан касалланган қорамоллар кучли безовта бўлиб, жунлари тушади, терисини дерматит ва гиперкератозга учраши кузатилади, иштаҳаси сусаяди, ориқлайди, ҳолсизланиб қолади, иммунитети пасаяди, натижада ёш моллар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади, сигирларнинг бузоқ бериши сусаяди, соғин сигирларнинг сут махсулдорлиги 30-50 фоизгача камаяди, баъзида умуман сут беришдан тўхтайд¹. Бундан ташқари улар кўпгина касаллик (вирусли, бактериал, замбуруғли ва гельминтоз) қўзғатувчиларининг ташувчиси ҳисобланишади, ҳаттоки одамлар организмида ҳам яшаши қайд этилган.

Ҳозирги вақтда барча мамлакатларда мазкур касалликнинг эпизоотологиясини аниқлаш, замонавий даволаш ва олдини олишнинг такомиллашган усулларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий муаммо бўлиб ҳисобланади.

Дунё миқёсида қишлоқ хўжалик ҳайвонларида эктопаразитоз касалликларнинг тарқалиши, мавсумий кечиши, касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қорамоллар орасида кенг тарқалган бовиколёз ҳамда хавфли трансмиссив касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи артроподларга қарши курашнинг замонавий, тежамкор ҳамда юқори самарали, безарар усул ва воситаларини тадқиқ ва тадбиқ қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шундай экан, бовиколёз қўзғатувчиларининг тарқалиши ва уларга қарши илмий асосланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз аҳолисининг сут, гўшт, тухум ва бошқа озиқ-овқат махсулотларига бўлган талабини етарли даражада қондириш кўп жихатдан чорвачиликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга боғлиқ. Шунингдек, қорамолларнинг бовиколёзига қарши кураш, даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «...аҳолини сифатли озиқ-

¹ Ятусевич А.И. и др. Арахноэнтомозы домашних жвачных и однокопытных: монография / - Витебск: УО ВГАВМ, 2006. - 213 с.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш орқали мамлакатимизда озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш» бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш устувор масалалардан бири сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон Фармони, 2019 йил 28 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПК-4254-сон ва 2020 йил 29 январдаги «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-4576-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технология ривожлантиришнинг V «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда қорамолларнинг эктопаразитларини даволаш усуллари бўйича А.Рўзимуродов ва Н.Азизовлар томонидан қисман илмий тадқиқотлар олиб борилган. Дунё микёсида ушбу муаммо бир қатор хорижий олимлар, жумладан R.O.Drummond, D.D.Colwell, E.D.Fomichyova, A.R.Grinsberg, C.E.Noelscher, S.Okursoy, P.M.Akbaev, Л.М.Белова, Д.И.Благовещенский, Ю.В.Лопатина, И.Н.Николаенко, А.Н.Токарев, Н.М.Шагаколар томонидан қорамоллар бовиколёзининг тарқалиши, клиник белгилари ўрганилган ҳамда касалликни даволаш ва олдини олиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва юқори даражада илмий-амалий аҳамиятга молик натижаларга эришилган.

Аммо, ўрганилган илмий адабиётлар таҳлилига кўра, Республикамиз микёсида қорамолларда бовиколёзнинг тарқалиши, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий этиш бўйича махсус илмий изланишлар умуман олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг 11.3.2.04 «Шохли моллар эктопаразитозларини эпизоотологиясини ўрганиш ва уларга қарши курашиш чораларини тадқиқ қилиш» (1997-1999 йй.), 2.6.12.02 «Қорамоллар линогнатози, гематопинози, бовиколёзи эпизоотологиясини ўрганиш ва уларга қарши курашиш чораларини тадқиқ қилиш» (2000-2002 йй.), 24 (PL-480) «Ўзбекистон чорвачилигида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг зоопаразитлари ва трансмиссив касаллик кўзғатувчиларига қарши курашнинг биологик усуллари ишлаб чиқиш» (2003

– 2005 йй.), ҚХА-10-025 «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг янги паразитоз касалликларига қарши курашнинг экологик хавфсиз усул ва воситаларини яратиш» (2009-2011 йй.) ва ҚХА-9-096 «Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини зоопаразитоз ҳамда хавfli трансмиссив касалликлардан муҳофаза қилишнинг янги самарали усул ва воситаларини яратиш» (2012-2014 йй.) лойиҳалари асосида бажарилган ва мамалакатимизда ушбу соҳа бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига монанд равишда амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорамолларда бовиколёзнинг эпизоотологиясини ўрганиш, уларни даволаш ва олдини олишда замонавий усулларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тоғ олди чорвачилик хўжаликларидаги қорамолларда бовиколёзнинг эпизоотологик ҳолатини аниқлаш;

пиретроид (арриво, эктомин, нурел-Д, суми-альфа, перметрин-10 ва циперметрин) препаратларни қорамолларнинг бовиколёзига қарши терапевтик самарасини аниқлаш;

пиретроид препаратлар (перметрин-10 ва циперметрин) дан тайёрланган кукунли инсектицидларни қорамолларнинг бовиколаларига қарши инсектицид самарасини аниқлаш;

қорамолларни бовиколёзига қарши ўтказилган даволаш-профилактика чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

соғин сигирларни бовиколёздан даволашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

бузоқларни бовиколёздан даволашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

қорамол бовиколёзига қарши замонавий даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти республиканинг Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги қорамоллар, бовиколёз кўзғатувчиси, яъни бовиколалар (жунхўрлар), уларнинг тухумлари, личинка ва имаголари, турли хил инсектицид препаратлар.

Тадқиқотнинг предмети қорамол ва уларда паразитлик қиладиган *Bovicola bovis* ва улар чақирадиган бовиколёзнинг эпизоотологияси, мавсумий динамикаси, интенс ва экстенс зарарланиш кўрсаткичлари ҳамда ушбу касалликни даволаш ва олдини олиш тадбирлари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда паразитологик, энтомологик, эпизоотологик, эколого-фаунистик, иқтисодий тадқиқотлар, умумбиология ва ветеринария паразитологияси фанларининг замонавий тавсия ва услубий қўлланмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

республикада тоғ олди чорвачилик хўжаликларидаги қорамолларда илк марта бовиколёзнинг эпизоотологик ҳолати аниқланган;

пиретроид (арриво, нурел-Д, эктомин, суми-альфа, перметрин-10 ва циперметрин) препаратларни қорамолларнинг бовиколёзига қарши терапевтик

самараси аниқланган ҳамда илк бор маҳаллий препаратлар синаб кўрилиб, тавсия этилган;

қорамолларнинг бовиколёзига қарши ўтказилган даволаш-профилактика чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

қорамол бовиколёзига қарши замонавий даволаш-профилактика чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

қорамолчилик хўжаликларида бовиколёз энг кўп тарқалганлиги аниқланган ва уларнинг эпизоотологияси, зарарланиш даражалари ва мавсумий динамикаси аниқланган;

қорамолчилик хўжаликларида пиретроид (арриво, нурел-Д, эктомин, суми-альфа, перметрин-10 ва циперметрин) препаратларнинг қорамоллар бовиколёзига қарши терапевтик самарадорлиги аниқланган;

қорамолларнинг бовиколёзига қарши даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлиги аниқланган ҳамда ушбу маълумотлар асосида амалий тавсияномалар ишлаб чиқилган;

қорамолларни бовиколёздан ҳимоя қилишнинг экологияга, инсон ва ҳайвонлар организмига, фойдали фауна ва флорага безарар бўлган оптимал интеграция тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, эпизоотологик тадқиқотлар, даволаш-профилактика чора-тадбирларини ўрганишда замонавий услублардан фойдаланилганлиги бирламчи маълумотларга статистик ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, шунингдек, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқотлар натижалари далолатномаларга асосланганлиги, олинган натижаларнинг мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлиги ва илмий ишлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки қорамоллар бовиколёзининг эпизоотологияси, мавсумий динамикаси ва уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича илк бор илмий маълумотлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар асосида қорамоллар орасида бовиколёзнинг эпизоотологияси, уларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлар бўйича ишлаб чиқаришга илмий асосланган амалий тавсиялар берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорамолларнинг бовиколёзи (Bovicolosis, эпизоотологияси, терапия) бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Шохли молларнинг маллофагоз ва сифункулятозларига қарши арриво, эктомин, «Д.ФОС+П» инсектицидларини қўллаш» (1999), «Перметрин-10 пиретроидини чорвачиликда экто- ва эндопаразитларга қарши курашда қўлланилиши» (2007), «Циперметриннинг 25 фоизли концентрат эмульсиясини

чорвачиликда экто- ва эндопаразитларга қарши курашда қўлланилиши» (2008), «Маҳаллий циперметриннинг паразитоз ва табиий ўчоқли касалликларга қарши курашда қўлланилиши» (2010), «Маҳаллий суми-альфа инсектоакарицидининг чорвачиликда экто- ва эндопаразитларга ҳамда хавfli трансмиссив касалликларнинг “вектор” тарқатувчиларига қарши курашда қўлланилиши» (2015) бўйича тавсияномалар, «Йирик ва майда шохли ҳайвонлар, от ва туялар эктопаразитларига қарши курашиш тўғрисида» (2016) йўриқнома тасдиқлаиб, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Самарқанд туманлари чорвачилик хўжаликларида қорамолларнинг бовиколёзига қарши арривонинг - 0,02, эктоминнинг - 0,1, нурел-Д нинг - 0,035, суми-альфанинг - 0,03, перметриннинг - 0,05 ва циперметриннинг - 0,025 фоизли сувли эмульсиялари жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 16 сентябрдаги 02/23-312-сон маълумотномаси). Натижада қорамолларда бовиколёзни даволаш ва олдини олишга ҳамда сарфланган 1 сўм харажатга 14,4 сўм иқтисодий самара олишга эришилган;

«Маҳаллий циперметрин ва перметрин-10 препаратларининг чорвачиликда паразитоз касалликларга қарши курашда қўлланилиши» бўйича Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика Агентлиги томонидан муаллифлик гувоҳномаси (2007) ва «Пиретроидлар. Табиий ўчоқли трансмиссив касалликлар муҳофазаси» номли монография (2017) чоп этилган. Ушбу ишлаб чиқилган илмий ечимлар асосида илк бор маҳаллий перметриннинг - 0,06 ва циперметриннинг - 0,05 фоизли кукунли инсектицид шакллари қорамолларни бовиколёзига қарши Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё вилоятларининг чорвачилик хўжаликларида, деҳқон-фермер ва шахсий ёрдамчи хўжаликларида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 16 сентябрдаги 02/23-312-сон маълумотномаси). Ушбу чора-тадбирларни қўллаш ҳисобига қорамолларда бовиколёзни олдини олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 2 та хорижий, 6 та республика илмий журналларида, 10 та мақола илмий анжуман материаллари тўпламларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та муаллифлик гувоҳномаси, 4 та тавсиянома, 1 та йўриқнома ва 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, услублари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва тадқиқот натижаларининг ишончлилиги баён қилинган, олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабий манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида бовиколёзнинг тарқалиши ва унинг чорвачилик ривожига салбий таъсирлари, касаллик кўзгатувчиси *Bovicola bovis* нинг ривожланиши ва уларга қарши пиретроид препаратларни ўрганилиш ҳолатлари бўйича хориж олимлари ва республикаимиз олимлари томонидан олиб борилган илмий ишларнинг натижаларини қисқача таснифи келтирилган.

Адабий маълумотлар таҳлилига кўра, мамлакатимизда қорамоллар бовиколёзининг эпизоотологияси, уларни даволаш ва олдини олиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга жорий қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаганлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотлар материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тадқиқот объекти қилиб, Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг Арахноэнтотомология лабораторияси ҳамда шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидаги қорамоллар, бовиколёз кўзгатувчиси - *Bovicola bovis*, уларнинг тухумлари, личинка ва имаголари, турли хил инсектицид препаратлар танлаб олинган.

Диссертациянинг «**Қорамолларда бовиколёзнинг эпизоотологик ҳолатини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида Республиканинг турли ҳудудларидаги чорвачилик хўжаликлари, шахсий ва хусусий молларда, «Зарафшон» дарёси тўқай, тоғ олди ва яйловлари шароитида аҳолига қарашли жами 22 та чорвачилик фермаларидаги ва шахсий хонадонлардаги 7520 бошдан ортиқ қорамоллар паразитологик текширилган, шундан 1705 бош (6 та чорвачилик хўжаликларидаги) қорамоллар ҳар 7-10 кунда 3 йил давомида кузатиб паразитологик текширилиб борилган, натижада шу давр мобайнида қорамоллар бовиколёзининг – манбаи, этиологик омиллари, клиник белгилари, эпизоотологик ҳолати, касалликни тарқалиш механизми, қорамолларни умумий ҳолатининг ўзгариши, инвазиянинг интенсивлик ва экстенсивлик зарарланиш даражаси, мавсумий динамикаси ва касалликка ташхис қўйиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Ушбу паразитологик текширишлар ва синов тажрибалари мобайнида қорамоллар орасида асосан бовиколёз, гематопиноз, линогнатоз, рипицефалёз, гиаломмоз каби арахноэнтотомозлар жуда кенг тарқалганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Қорамолларда аниқланган арахноэнтотомозлар


Т.р.	Топилган паразитлар тури	Паразитозлар номи
1	<i>Bovicola bovis</i>	Бовиколёз
2	<i>Haematopinus eurysternus</i>	Гематопиноз
3	<i>Linognathus vituli</i>	Линогнатоз
4	<i>Hyalomma anatolicum</i>	Гиаломмоз
5	<i>Hyalomma plumbeum</i>	Гиаломмоз
6	<i>Boophilus calcaratus</i>	Боофилёз
7	<i>Hypoderma bovis</i>	Гиподерматоз
8	<i>Dermacentor marginatus</i>	Дермацентоз
9	<i>Dermacentor dagestanicus</i>	Дермацентоз
10	<i>Psoroptes bovis</i>	Псороптоз
11	<i>Sarcoptes bovis</i>	Саркоптоз
12	<i>Haemaphysalis sulcata</i>	Гемафизалёз

Республикаимиз чорвачилик хўжаликларидида қорамоллар орасида 12 турга мансуб экто- ва эндопаразитлар кенг тарқалганлиги, шулардан бовиколёз кўзгатувчиси, яъни *Bovicola bovis* – жунхўрлари энг кўп тарқалганлиги аниқланди. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, қорамолларнинг бовиколёзи барча ёшдаги қорамолларда ва санитария ҳолати ёмон хўжаликларда кўпроқ (90-100 фоизгача) ва йил мобайнида учраши аниқланди. Лекин уларнинг экстенсив ва интенсив зарарланиш даражалари мавсумга, яъни экологик омилларга қараб ўзгариб турди. Шунинг учун қорамоллар бовиколёзининг эпизоотологияси 1997-2019 йиллар давомида ўрганилди. Натижада, йилнинг барча декадаларида, ой ва фаслларида, ҳар хил географик зоналар ва хўжаликларда, қорамол турлари ва ёшларида (зот ва жинслари ҳам ҳисобга олинди) бовиколаларни мавсумий тарқалиш, текинхўрлик қилиш динамикаси, ҳар хил фазаларини (тухум, личинка ва имаго) пайдо бўлиш муддатлари, бовиколалар билан интенсив ва экстенсив зарарланиш даражалари аниқланди.

Натижада, бовиколёз қорамоллар организмида барча мавсумларда учраши, бироқ инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги мавсумга нисбатан ўзгариб туриши, яъни декабрь-январь-февраль-март-апрел-май ойларида зарарланиш максимал даражада, июнь-июл-август-сентябрь ойларида минимал, октябрь-ноябрь ойларида ўртача ҳолатда бўлиши аниқланди. Мавсумий динамика бўйича эпизоотия қиш ва баҳор ойларида максимал, ёз ойларида минимал ва куз ойларида ўртача даражада учраши кузатилди (2-3-жадваллар, 1-2-3-расмлар).

Турли ёшдаги қорамолларни *B.bovis* билан ойлар бўйича зарарланиш даражаси


Т. р.	Қорамол, ёши	<i>B.bovis</i> фаза-лари	Ойлар бўйича экстенс зарарланиш, фоиз											
			I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
1	5-6 ойликкача	Сирка	78,0	80,0	96,0	100,0	100,0	28,0	25,0	20,0	24,0	42,0	54,0	71,0
		Личинка	74,0	75,0	93,0	100,0	100,0	26,0	22,0	21,0	23,0	40,0	53,0	68,0
		Имаго: эркак	71,0	72,0	92,0	100,0	100,0	24,0	21,0	18,0	22,0	35,0	45,0	65,0
		урғочи	72,0	74,0	95,0	100,0	100,0	26,0	24,0	19,0	24,0	36,0	47,0	67,0
		Жами:	74,0	75,0	94,0	100,0	100,0	26,0	23,0	19,0	23,0	38,0	50,0	68,0
2.	18-20 ойликкача	Сирка	75,0	76,0	95,0	100,0	100,0	25,0	22,0	18,0	24,0	38,0	51,0	70,0
		Личинка	73,0	74,0	93,0	98,0	100,0	23,0	21,0	17,0	23,0	39,0	48,0	67,0
		Имаго: эркак	72,0	73,0	90,0	95,0	100,0	22,0	19,0	16,0	21,0	33,0	43,0	64,0
		урғочи	73,0	74,0	92,0	98,0	100,0	24,0	22,0	18,0	22,0	35,0	45,0	66,0
		Жами:	73,0	74,0	92,0	98,0	100,0	23,0	21,0	17,0	22,0	36,0	47,0	67,0
3.	Қатта ёшдаги	Сирка	70,0	80,0	90,0	100,0	100,0	24,0	20,0	16,0	22,0	33,0	45,0	68,0
		Личинка	68,0	78,0	92,0	97,0	100,0	22,0	21,0	14,0	21,0	31,0	44,0	65,0
		Имаго: эркак	66,0	67,0	88,0	95,0	100,0	19,0	18,0	15,0	20,0	28,0	40,0	63,0
		урғочи	70,0	69,0	90,0	97,0	100,0	20,0	19,0	16,0	20,0	31,0	42,0	64,0
		Жами:	68,0	73,0	90,0	97,0	100,0	21,0	19,0	15,0	21,0	31,0	43,0	65,0




1-расм. Қорамолларни бовиколёз билан ойлар бўйича зарарланиш даражаси

Турли ёшдаги қорамолларни бовиколёз билан мавсумий зарарланиш даражаси

№	Қорамол, ёши	<i>B.bovis</i> фазалари	Мавсумлар бўйича экстенсив зарарланиш (ЭЗ), фоиз			
			Қиш	Баҳор	Ёз	Куз
1.	5-6 ойликкача	Сирка	76,0	99,0	24,0	40,0
		Личинка	72,0	97,0	23,0	39,0
		Имаго: эркаги	69,0	97,0	21,0	34,0
		урғочиси	71,0	98,0	23,0	35,0
		Жами:	72,0	98,0	23,0	37,0
2.	18-20 ойликкача	Сирка	73,0	98,0	22,0	38,0
		Личинка	71,0	97,0	20,0	37,0
		Имаго: эркаги	70,0	95,0	19,0	32,0
		урғочиси	71,0	97,0	21,0	34,0
		Жами:	71,0	97,0	20,0	35,0
3.	Катта ёшдаги	Сирка	72,0	97,0	20,0	33,0
		Личинка	70,0	96,0	19,0	32,0
		Имаго: эркаги	65,0	94,0	17,0	29,0
		урғочиси	68,0	95,0	18,0	31,0
		Жами:	69,0	95,0	18,0	31,0



2-расм. Турли ёшдаги қорамолларда бовиколёзнинг мавсумий динамикаси



3-расм. Қорамоллар бовиколёзининг мавсумий динамикаси

Диссертациянинг «Қорамолларни бовиколёздан даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» деб номланган бобида Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг арахноэнтмология лабораторияси ходимлари ҳамкорлигида Самарқанд вилоятининг Тойлок, Ургут, Самарқанд ва Пастдарғом, Сурхондарё вилоятининг Денов, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Жиззах вилоятининг Бахмал туманларига қаршли чорвачилик хўжаликларидаги қорамолларда, Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг экспериментал ҳайвонларида, аҳолининг шахсий, хусусий қорамолларида илмий-тадқиқот ишлари бажарилган.

Кейинги йилларда дунёнинг қарийб барча мамлакатларида олимлар ва мутахассислар диққати ўсимлик асосига эга бўлган пиретроид препаратларга эътибор кучаймоқда. Ушбу гуруҳ препаратлар асосан ўсимликларнинг зараркунанда ҳашаротларига қарши ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг таъсир қилувчи фаол моддаси пиретринлар, улар трансхризантема монокарбон ва транспирет кислоталарининг мураккаб эфирлари ҳисобланади. Бу препаратлар бошқа кимёвий гуруҳ препаратларидан ўзининг нисбатан безарарлиги ва кам миқдорда қўлланилганда ҳам юқори инсектоакарицид самара кўрсатиш хусусияти, инсон, ҳайвонот дунёси, экология учун хавфсизлиги билан устун туради. Хлорорганик, фосфорорганик, бензимидазол, карбамат бирикмаларига нисбатан инсектицидлик таъсирининг юқорилилиги билан фарқланади. 10-100 карра кам доза, концентрацияларда ҳам юқори самара кўрсатади. Дезинсекция ва дезакаризация тадбирлари сони 2,5-3 каррага камаяди.

Айни вақтда чорвачилик хўжаликларидаги қорамолларнинг эктопаразитларига қарши курашда нурел-Д, арриво, эктомин, каратин, дельтаметрин, сумицидин, амбуш, рипкорд, децис ҳамда маҳаллий циперметрин, суми-альфа (Навоий Электрокимё заводи “КК-ЕАЖ”), перметрин-10 (Ўзбекистон-Ҳиндистон кўшма корхонаси “VINUZ” LTD,

Бухоро) каби пиретроид препаратлар кенг қўлланилиб келинмоқда. Бирок, илмий адабиётлар таҳлиliga кўра, қорамолларни бовиколёзига қарши пиретроид препаратларни даволаш ва инсектицидлик таъсири Республикамиз миқёсида ҳали ўрганилмаганлиги аниқланди.

Пиретроид препаратларни инсектицидлик хусусиятларини ўрганиш тажрибалари қорамолларнинг бовиколёз қўзғатувчиси *B.bovis* га нисбатан янги синтез ва ресинтез қилинган пиретроид (арриво, эктомин, нурел-Д, суми-альфа, перметрин-10 ва циперметрин) препаратларни энтомоцид таъсири лаборатория шароитида ўрганилди, натижада ушбу препаратларнинг энг самарали концентрациялари аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Лаборатория шароитида пиретроид препаратларнинг *B.bovis* га нисбатан инсектицид таъсирини ўрганиш тажрибаси

№	Препаратлар номи	Инсектицид самара, с.э., фоиз						
		0,015	0,02	0,025	0,03	0,035	0,05	0,1
1	Арриво	ЎК ₉₀	ЎК ₁₀₀					
2	Эктомин	ЎК ₃₀	ЎК ₄₀	ЎК ₄₅	ЎК ₄₅	ЎК ₅₀	ЎК ₆₀	ЎК ₁₀₀
3	Нурел-Д	ЎК ₈₀	ЎК ₈₅	ЎК ₉₀	ЎК ₉₅	ЎК ₁₀₀	ЎК ₁₀₀	ЎК ₁₀₀
4	Суми-альфа	ЎК ₅₀	ЎК ₇₅	ЎК ₉₅	ЎК ₁₀₀	ЎК ₁₀₀	ЎК ₁₀₀	ЎК ₁₀₀
5	Перметрин-10	ЎК ₄₀	ЎК ₄₅	ЎК ₅₀	ЎК ₅₅	ЎК ₆₀	ЎК ₁₀₀	ЎК ₁₀₀
6	Циперметрин	ЎК ₉₀	ЎК ₉₅	ЎК ₁₀₀				

Шундай қилиб, лаборатория шароитида ўтказилган синов-тажрибалари натижасида, арривонинг 0,02, эктоминнинг 0,1, нурел-Д нинг 0,035, перметрин-10 нинг 0,05, суми-альфанинг 0,03, циперметриннинг 0,025 фоизли сувли эмульсиялари қорамолларнинг бовиколаларига қарши 100 фоиз инсектицид самара бериши аниқланди.

Ишлаб чиқариш шароитида, яъни Самарқанд вилоятининг Тойлоқ, Ургут, Самарқанд ва Пастдарғом, Қашқадарё вилоятининг Китоб, Жиззах вилоятининг Бахмал, Сурхондарё вилоятининг Денов туманларига қарашли чорвачилик фермер хўжаликларидаги қорамолларда ва аҳолининг шахсий қорамолларида синов тажриба ишлари ўтказилди. Бунда лаборатория шароитида энг минимал ва 100 фоиз инсектицид самара берган пиретроид препаратларнинг концентрациялари билан бевосита қорамолларда синаб кўрилди ва юқори самарадорликка эришилди.

Ҳозирги вақтда қорамолларнинг эктопаразитларига қарши чорвачилик хўжаликларида синтетик пиретроид препаратларнинг сувли эмульсия шакллари жуда кенг фойдаланилмоқда, аммо йилнинг совуқ мавсумларида ушбу препаратлардан фойдаланиш қорамолларни совқотишига, қолаверса шамоллашига ва турли респиратор касалликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ушбу суюқ (сувли эмульсия) усулни ўрнига куруқ (кукунли) усулни, яъни синтетик пиретроид гуруҳига мансуб препаратларнинг инсектицидлик кукунлари ёрдамида қорамолларни бовиколёздан даволаш ва

олдини олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки кукун шаклидаги ушбу инсектицид препаратларни нафақат ёз давомида балки қиш ойларида ҳам, яъни йил давомида ҳеч иккиланмай фойдаланиб қорамолларни ушбу касалликдан даволаш мумкин.

Шуларни ҳисобга олиб, лаборатория шароитида синтетик пиретроид (перметрин-10 ва циперметрин) препаратлардан кукунли инсектицид тайёрлаб, уларнинг инсектицид фаоллиги аниқланди (5-жадвал).

5-жадвал

Лаборатория шароитида кукунли инсектицидларни инсектицид самарасини аниқлаш тажрибаси

Т.р.	Препаратлар номи	Кукунли шакли, инсектицид самара, фоиз					
		0,01	0,02	0,03	0,04	0,05	0,06
1	Перметрин-10	ЎК ₅₀	ЎК ₆₀	ЎК ₈₀	ЎК ₉₀	ЎК ₉₅	ЎК ₁₀₀
2	Циперметрин	ЎК ₅₀	ЎК ₇₀	ЎК ₉₀	ЎК ₉₅	ЎК ₁₀₀	ЎК ₁₀₀

Натижада, перметрин-10 нинг 0,06 ва циперметриннинг 0,05 фоизли кукунли инсектицид шаклидаги концентрациялари лаборатория шароитида қорамолларнинг бовиколаларига қарши 100 фоиз инсектицид таъсир кўрсатиши аниқланди.

Ишлаб чиқариш шароитида бевосита фермер хўжаликлардаги қорамолларда қўйидаги синов-тажриба ишлари олиб борилди ва юқори терапевтик самарага эришилди (6-жадвал).

6-жадвал

Қорамолларнинг бовиколёзига қарши синаб кўрилган пиретроид препаратлар

№	Препаратлар номи	Дориланган қорамоллар сони (бош)	Қўллаш усуллари	Дезинсекция сони (марта)	Қўлланиш шакли				Самара, фоиз
					сувли эмульсия		кукун шаклида		
					концентрацияси, фоиз	миқдори	концентрацияси, фоиз	миқдори	
1	Арриво-25 к.э.	1585	Пуркаш (сепиш)	2	0,02	1-4 л/бош	-	-	100
2	Эктомин-100 ЕС	570	Пуркаш	2	0,1	1-4 л/бош	-	-	100
3	Нурел-Д-50 к.э.	1290	Пуркаш	2	0,035	1-4 л/бош	-	-	100
4	Суми-альфа-20 к.э.	1100	Пуркаш	2	0,03	1-4 л/бош	-	-	100
5	Перметрин-10 фоизли к.э.	219	Пуркаш	2	0,05	1-4 л/бош	-	-	100
		144	Чангла-тиш	2	-	-	0,06	200-500 г/бош	100
6	Циперметрин - 25 фоизли к.э.	1224	Пуркаш	2	0,025	1-4 л/бош	-	-	100
		253	Чангла-тиш	2	-	-	0,05	200-500 г/бош	100

Диссертациянинг “Қорамолларни бовиколёзига қарши ўтказилган даволаш-профилактика чора-тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш” деб номланган бобида бовиколёз билан касалланган қорамолларда даволаш ва олдини олиш чора-тадбирларини ўтказиб, соғин сигирларнинг сут маҳсулдорлигига ва бузоқларнинг кунлик ўсиш кўрсаткичига таъсирини махсус ўтказилган тажрибалар асосида ўрганилди. Бу тажрибаларни бовиколаларни энг кўпайган вақтида, яъни экстенс зарарланиш 100 фоиз ва интенс зарарланиш жуда юқори даражада бўлгач олиб борилди.

Бунинг учун, бовиколёз билан касалланган 20 бош соғин сигирларда махсус тажриба ўтказилди, яъни тажриба ва назорат гуруҳлари учун 10 бошдан соғин сигирлар ажратилиб, уларни 30 кун давомида кунлик сут маҳсулдорлиги ўлчаниб, ўртача умумий кўрсаткичи аниқланди. Кейин тажриба гуруҳидаги 10 бош соғин сигир нурел-Д препаратининг 0,035 фоизли сувли эмульсияси билан ҳар бошга 3-4 литрдан махсус ускуна (пуркагич) ёрдамида 2 марта (10 кун оралиғи билан) дезинсекция қилинди.

Назорат гуруҳи учун ажратилган 10 бош соғин сигирларга эса тоза сув ишлатилди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги 20 бош соғин сигирларнинг ҳар кунлик ўртача сут бериш маҳсулдорлиги 30 кун давомида аниқланиб қайд этиб борилди (7-жадвал).

7-жадвал

Соғин сигирларни бовиколёздан даволашнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Мазмуни	Ўлчов бирлиги	Тажриба	Назорат
1.	Мол сони	Бош	10	10
2.	Тажриба муддати	Кун	30	30
3.	Дезинсекция	Марта	2	-
4.	Ўртача кунлик соғин: а) тажрибагача б) тажриба мобайнида	Кг Кг	6,8 7,2	6,5 6,4
5.	Соғиндаги фарқ	Кг	0,4	-0,1
6.	Тажриба мобайнида ҳар бир бош сигирнинг сут маҳсулотини ўртача кўпайиш миқдори	Кг	0,5	
7.	Тажриба давомида олинган маҳсулотни умумий миқдори	Кг	150	
8.	Кўшимча олинган сут қиймати	Сўм	300000	
9.	Дезинсекция харажатлари	Сўм	47780	
10.	Иқтисодий самара	Сўм	252220	
11.	Бир сўмга олинган соф даромад	Сўм	5,3	

Тажриба охирида бир бош соғин сигирни бовиколёздан даволаш, яъни дезинсекция қилиш учун кетган харажатлар қиймати ва дезинсекция қилинган ва назоратда бўлган соғин сигирларнинг сут кўрсаткичлари ҳисобланиб натижалар аниқланди.

Натижада, соғин сигирлар бовиколёздан даволанганида, ҳар бир соғин сигирнинг кунлик сут маҳсулдорлиги ўртача 0,5 килограммга ёки 6,0 фоизга кўпайиши, харажат қилинган бир сўм 5,3 сўм соф даромад келтириши аниқланди.

Бузоқларни бовиколёздан даволашнинг иқтисодий самарадорлиги, яъни рентабеллиги хўжалик шароитида, алоҳида ўтказилган тажрибалар орқали аниқланилди. Бу тадқиқотлар махсус ўтказилган тажрибалар асосида, яъни бовиколёз билан касалланган бузоқларнинг тирик вазини камайишини инсектицидлар ёрдамида бартараф қилиниши натижасида олинган фойдани аниқлаш йўли билан амалга оширилди. Бу тажрибаларни бовиколаларни энг кўпайган вақтида, яъни экстенс зарарланиш 100 фоиз ва интенс зарарланиш жуда юқори даражада бўлгач олиб борилди.

Бунинг учун бовиколёз билан касалланган 20 бош бузоқларда махсус тажриба ўтказилди, яъни тажриба ва назорат гуруҳлари учун 10 бошдан бузоқлар ажратилиб, уларни 30 кун давомида кунлик ўсиш кўрсаткичи ўлчаниб, ўртача умумий ўсиш кўрсаткичи аниқланди. Кейин тажриба гуруҳидаги 10 бош бузоқ нурел-Д пиретроид препаратининг 0,035 фоизли сувли эмульсияси билан ҳар бошга 1-2 литрдан махсус ускуна (пуркагич) ёрдамида 2 марта (10 кун оралиғида) дезинсекция қилинди (8-жадвал).

8- жадвал

Бузоқларни бовиколёздан даволашнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Мазмуни	Ўлчов бирлиги	Тажриба	Назорат
1.	Бузоқ сони	Бош	10	10
2.	Тажриба муддати	Кун	30	30
3.	Дезинсекция	Марта	2	-
4.	Ўртача кунлик ўсиш (семириш):			
	а) тажрибагача	Кг	2,43	2,28
	б) тажриба мобайнида	Кг	2,85	2,50
5.	Ўсишдаги фарқ	Кг	0,42	0,22
6.	Тажриба мобайнида иккала гуруҳдаги бузоқларнинг кунлик ўсишдаги ўртача фарқи	Кг	0,20	
7.	Кўшимча олинган вазн миқдори (30 кунда)		60,0	
8.	Кўшимча олинган вазн (гўшт) қиймати	Сўм	540000	
9.	Дезинсекция харажатлари	Сўм	34980	
10.	Иқтисодий самара	Сўм	505020	
11.	Бир сўмга олинган соф даромад	Сўм	14,4	

Назорат гуруҳи учун ажратилган 10 бош бузоқларга эса тоза сув ишлатилди.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги ҳар бир бузоқнинг ҳар кунлик ўртача ўсиш миқдори 30 кун давомида ўлчаниб борилди.

Тажриба охирида бир бош бузоқни бовиколёздан даволаш, яъни дезинсекция қилиш учун кетган харажатлар қиймати ва дезинсекция қилинган ва назоратда бўлган бузоқларнинг тирик вазни кўрсаткичлари солиштирилиб ҳисобланиб натижалар аниқланди.

Натижада, бузоқларни бовиколёздан даволаш рентабелли чора бўлиб, бунда ҳар бир бузоқларнинг кунлик ўсиши ўртача 200,0 г га, яъни 8,2 фоизга кўпайиши ва қилинган бир сўм харажат 14,4 сўм соф даромад келтириши аниқланди.

Ўтказилган илмий-тадқиқотларимиз таҳлилига кўра, ушбу иқтисодий зарарни олдини олиш учун, қорамолларни бовиколёзига қарши вақти-вақти билан режали равишда даволаш ва олдини олиш чора тадбирларини ўтказиб бориш чорвачилик хўжаликларининг иш режаларига киритилиши ва бажарилиши зарур.

Тадқиқотларимиздан олинган илмий маълумотлар ечими келажакда одамлар ва ҳайвонлар орасида, аҳоли пунктлари ва чорвачилик хўжаликларида соғлом эпизоотологик ва эпидемиологик ҳолат, тоза экологик муҳит ва мувозанат яратиш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Республикамиз тоғ олди чорвачилик хўжаликларида қорамоллар орасида 12 турга мансуб арахноэнтормоз касалликлар тарқалган. Шулардан бовиколёз касаллиги кенг тарқалган бўлиб, чорвачилик хўжаликларида жиддий иқтисодий зарар келтиради.

2. Бовиколёз қорамоллар организмида барча мавсумларда учрайди. Бирок инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги мавсумга нисбатан ўзгариб туради. Бунда декабр-январ-феврал-март-апрел-май ойларида зарарланиш максимал даражада, июнь-июл-август-сентябрь ойларида минимал, октябрь-ноябрь ойларида ўртача ҳолатда бўлади. Мавсумий динамика бўйича эпизоотия қиш ва баҳор ойларида максимал, ёз ойларида минимал ва куз ойларида ўртача даражада кузатилади.

3. Арриво препарати 0,02 фоизли сувли эмульсия шаклида қорамолларни бовиколёзига қарши ҳар бир катта ёшдаги молга 2,0-4,0 литрдан, майда ёшдаги молларга 1,0-2,0 литрдан (10-14 кун оралиғи билан 2 марта) ишлов берилганида 100 фоиз терапевтик самара беради.

4. Эктомин препаратининг 0,1 фоизли сувли эмульсияси билан дезинсекция (ҳар бир бош молга 1,0-4,0 литрдан, 10-14 кун оралиғи билан 2 марта) қилинган қорамоллар бовиколалардан тўлиқ (100 фоиз) озод бўлади.

5. Нурел-Д препарати 0,035 фоизли сувли эмульсия шаклида қорамоллар бовиколёзига нисбатан (10-14 кун оралиғи билан 2 марта) дориланганда 100 фоиз терапевтик самара кўрсатади.

6. Қорамолларни бовиколёздан даволашда маҳаллий суми-альфа (20 фоизли к.э.) препаратининг 0,03 фоизли сувли эмульсияси (1,0-4,0 литр/бош, 10-14 кун оралиғи билан 2 марта) юқори терапевтик самара беради.

7. Қорамолларнинг бовиколёзига қарши маҳаллий перметрин-10 препаратининг 0,05 фоизли сувли эмульсияси билан (1,0-4,0 литр/бош, 10-14 кун оралиғи билан 2 марта) дориланганда 100 фоиз терапевтик самарага эришилади.

8. Маҳаллий циперметрин препаратининг 0,025 фоизли сувдаги эмульсияси билан (1,0-4,0 литр/бош, 2 марта) ишлов берилган қорамоллар бовиколёздан 100 фоиз соғаяди.

9. Йилнинг совуқ мавсумларида маҳаллий перметрин-10 нинг 0,06 ҳамда циперметрин препаратининг 0,05 фоизли кукун шаклида (100-500 гр/бош ҳисобида, 10-14 кун оралиғи билан 2 марта) дорилаш қорамолларни бовиколаларига қарши 100 фоиз энтомоцид самара беради.

10. Қорамолларни бовиколёзига қарши дезинсекция қилиш иқтисодий рентабелли чора ҳисобланади, бунда:

а) бовиколёздан даволанган ҳар бир соғин сигирнинг кунлик сут маҳсулдорлиги ўртача 0,5 килограммга ёки 6,0 фоизга кўпаяди ҳамда даволаш учун сарф қилинган бир сўм харажат 5,3 сўм соф даромад келтиради;

б) бовиколёздан даволанган ҳар бир бузоқнинг кунлик тирик вазни ўртача 200,0 г га, ёки 8,2 фоизга кўпаяди ва қилинган бир сўм харажат 14,4 сўм иқтисодий самара беради.

11. Қорамолларнинг бовиколёзига қарши тавсия этилган ушбу замонавий, тежамкор ва самарадор фитоасосли пиретроид (айниқса маҳаллий) препаратлардан фойдаланиш истиқболли йўллардан бири бўлиб, хлорорганик, фосфорорганик, карбамат бирикмаларига нисбатан инсон ва ҳайвонот дунёси, экология учун хавфсиз бўлиб, бовиколаларга 10-100 карра кам дозада ҳам юқори инсектицид самара кўрсатади ва дезинсекция тадбирлари сони 2,5-3 каррага камаяди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИСНТИТУТЕ
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРИИ

ПУЛОТОВ ФАХРИДИН САЙФИДИНОВИЧ

**БОВИКОЛЁЗ КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА
(Bovicolosis, эпизоотология, терапия)**

03.00.06–Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

Самарканд–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2017.3.PhD/V12.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте ветеринарии.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.samvmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель: Рузимурадов Ахрор Рузимурадович
доктор ветеринарных наук, профессор

Официальные оппоненты: Даминов Асадулло Сувонович
доктор ветеринарных наук, профессор

Гафуров Ақтам Гафурович
доктор ветеринарных наук, профессор

Ведущая организация: Государственный комитет Ветеринарии и развития животноводства Республики Узбекистан

Защита состоится «12» 12 2020 г. в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 при Самаркандском институте ветеринарной медицины, по адресу: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандском институте ветеринарной медицины (зарегистрирована за № 14278). (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: (+99866) 234-76-86; e-mail: samvmi@edu.uz).

Автореферат разослан «12» 11 2020 года.

(протокол рассылки № 05 от 27.11 2020 г.)




Х.Б.Юнусов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степени, д.биол.н.,
профессор


Ш.Х.Курбанов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степени, к.вет.н.,
доцент


К.Н.Норбоев
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степени, д.вет.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертационной работы. На сегодняшний день одной из наиболее актуальных проблем в стране является развитие животноводства, повышение продуктивности и удовлетворение спроса населения на качественную и экологически чистую продукцию животного происхождения. В годы независимости из-за нехватки дезинсекционных средств, снижение внимания и культуры животноводства, в зообиоценозах ранее не наблюдавшиеся или как вид паразита, утративший свой смысл и значение эктопаразиты, т.е. бовикола, которые вызывают у крупного рогатого скота энтомоз - бовиколёз, в достаточной степени препятствуют развитию животноводства. У крупного рогатого скота при бовиколёзе наблюдается сильное раздражение, он становится очень нервным, выпадает шерсть, кожа воспаляется (дерматит, гиперкератоз), аппетит снижает, потощат, понижается иммунитет, в результате чего молодой скот отстает в росте и развитии, молочная продуктивность дойных коров снижается до 30-50%, иногда вообще перестают давать молоко¹. Ещё одной опасностью власоедов является то, что они сами-переносчики многих болезней, могут вызывать грибковые, вирусные, бактериальные, гельминтные заболевания, даже не однократно было отмечено, то что они паразитировали и жили в организме человека.

В настоящее время актуальной проблемой во всех странах является изучение эпизоотологии данного заболевания, разработка современных методов лечения и профилактики.

На мировом уровне сезонный характер распространения эктопаразитозных заболеваний у сельскохозяйственных животных реализуется в ряде мер по лечению и профилактике заболевания. В частности, одной из актуальных проблем является изучение и внедрение современных, экономических и высокоэффективных, современных методов и средств борьбы с членистоногими, распространяющими возбудителей бовиколёза и опасных трансмиссивных заболеваний среди крупного рогатого скота. Исходя из этого, важное значение имеет выработка научно-обоснованной системы против распространения возбудителей бовиколёза.

Адекватное удовлетворение потребностей населения республики в молоке, мясе, яйцах и других продуктах питания во многом зависит от развития животноводства и повышения его эффективности. Также важное значение имеет ускорение научно-исследовательской работы по мерам борьбы, лечению и профилактике заболеваний бовиколёзом крупного рогатого скота. В программе Стратегии² действий по развитию Республики Узбекистана 2017-2021 годы одним из приоритетных вопросов признано усиление организационно-практических мер по «...последовательному развитию

¹ Ятусевич А.И. и др. Арахноэнтомозы домашних жвачных и однокопытных: монография / - Витебск: УО ВГАВМ, 2006. - 213 с.

² Указ Президента Республики Узбекистан за УП №4947, от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

производства, путем углубления структурных преобразований в сельском хозяйстве, на основе развития сельского хозяйства обеспечит население продуктами животноводства и обеспечения их безопасности, а также расширить производство экологически чистых продуктов». При этом важно ускорить исследования, направленные на разработку научно обоснованных методов и средств борьбы с бовиколезам крупного рогатого скота.

В новой редакции Закона Республики Узбекистан «О ветеринарии», в указах Президента Республики Узбекистан ПП-5696 от 28 марта 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы Государственного управления в сфере ветеринарии и животноводства», УП-4254 от 28 марта 2019 года «О мерах по организации деятельности Государственного комитета ветеринарии и развитию животноводства Республики Узбекистан» и УП-4576 от 29 января 2020 года «О дополнительных мерах государственной поддержки животноводческой отрасли» в осуществлении этих указов данная исследовательская диссертация выполняет нормативно-правовые документы отмеченные и связанные с данным направлением.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данные исследования выполнены в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

